

## **«Саховат ва қўмак» - инсонпарварлик намунаси**

Халқимиз табиатан саховатпеша, бағрикенг, ҳожатбарор халқ. Буни маҳалла шароитида қўни-қўшнилар мисолида кўриш мумкин. Азал-азалдан ўзбек халқи оилавий байрамлари ва тадбирларини қўни-қўшни, қавми-қариндошлари иштироки билан ўтказиб келган. Уларнинг касаллигига ва яхши-ёмон кунларида йўқлаб турган. Уйларида тансиқ таом пишган куни албатта ундан олиб маҳалладаги кекса отахон-онахонларнинг ҳолидан хабар олишган. Хоразм географик жойлашувига кўра иккита катта қумлик – Қизилқум ва Қорақум чўллари оралигига яшил орол сингари жойлашган бўлиб, бу қадимий ва анъанавий урф-одат, маросимларнинг бугунгача яшаб келишига ёрдам берган. Шундай маросимлардан бири қўмакнинг бир кўриниши мисолида сақланиб қолган бўлиб, бу ер аҳолиси тўйдан олдин “Генгош” (Кенгаш) маросимини ўтказган. Тўй қилишга тараддуд қилинаётган хонадонга унинг яқинлари ташриф буюриб, дамланган паловдан еб, сўнгра хонадон эгасидан “Тўйга мен нима ёрдам қиласай, буюринг” дейишган. Тўй ҳаражатлари бир катхудо (катта ёшли оқсоқол) томонидан қариндошларга тақсимланиб бўлгандан сўнг, кексалар фотиҳага қўл очиб, хонадон эгаларига бошлаган тўйлари ҳайрли ва келин бўлмиш қутлуғ қадам бўлишини тилаб дуо қилишган. Маҳаллаларда ҳар баҳорда қаҳратон қишдан эсон-омон чиққанликлари шарафига ҳар бир хонадондан йиғилган масаллиқдан катта майдонда қозонлар қўйилиб, палов дамланган ёки қорма (шавланинг анъанавий шакли), бўрсақ (бўғирсоқ) пиширилган, кўчкор, хўroz уриштирма ўтказилган, бу маросим “Дарвишона” деб аталган. Бунинг аҳамиятли жиҳати Дарвишона маросимига масаллиқ йиғилганида камбағал, бечораҳол, бева, етим-есири бор бўлган оиладан олишмаган, аксинча улар ҳаммадан олдин байрамга таклиф қилиниб, ўзига тўқ аҳоли томонидан олиб келинган масалликлардан уйларига ҳам етказиб берилган. Ундан ташқари, байрамда иштирок этолмаётган азадор хонадонларга ҳам шундай саховат қилинган, маросим таоми биринчи навбатда шу хонадонларга жўнатиш учун сузилган.

Шу сабабли Хоразмда “Қўли очиқни йўли очиқ”, “Садақа радди бало” каби мақоллар кенг тарқалиб, асосан саховатпеша инсонлар ҳақида айтилган. Ундан ташқари, ҳар бир хонадонда каттароқ иш учун ният қилганда, машина сотиб олганда, уй қуришганда, касал бўлиб қолса тузалиш учун “жонга жонлик” айтилган ва соғайиб кетганда ёхуд орзулари амалга ошганда шукрона тарзида кўчкор сўйиб “хомталаш” (хомлигича бўлакларга бўлиб тарқатиш) қилишган, бунда ҳам кўпроқ қўни-қўшни ёки қўмакка муҳтоҷ хонадонларга тарқатишган. Раҳматлик отам Қўшназар Нуруллаевнинг айтишларича, кимдир эхсон қилгиси келса, ҳеч кимга айтиб ўтирасдан, бошқа худудлардан фарқли

равища маҳалла қабристонида жойлашган мачит мулласига ёки элат катхудосига ташлаб кетган, у эса ғарид, етим боқиб ўтирган хонадонларга ёки болалар уйига олиб бориб берган. Бу анъана йил бўйи давом қилганлиги учун ҳамда зиёратгоҳларда ҳар жума ёки ҳафтанинг чоршанба куни қорма пишиб тайёр бўлиб турган, мусофирилар, намозхонлар шу ерда супаларда ўтириб овқатланган. Аслида бу ҳам саховатпешаликнинг бир кўринишидир. Ҳозирда қабристонларда таом тайёрлаш ва байрамлар ўtkазиш таъкиқланган. Рамазон ойи эса ўзи аслида саховат ва қўмак ойидир. Бу ойда сахарлик ва ифторликда садақа қилиш учун ҳар бир хонадон ўз навбати келишини кутиб турган, баъзизда маҳаллада бир кунда бир нечта хонадон маҳалла кексаларини меҳмон қилиш учун навбат кутиб туришга мажбур бўлган, бир-бирларига тансик таомлар жўнатиб, дуо олишган, касалларга шифо сўрашган. Олдинлари маҳаллаларда бир кўчада жойлашган хонадонларда битта тандир бўлиб, аёллар нон ёпганда бирин-кетин нон ёпиб, доимо бир-бирига қўмак бериб, тўй ва шунга ўхшаш жамоавий тадбирларда ҳам биргалashiб меҳнат қилганлар. Бу эса жамоавий ҳамфирлилик ва дўстликни таъминлаган, доно ҳалқимиз ибораси билан айтганда меҳр қўзда эканлигини ифодалаган. Бу каби маросимлар Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшасида мавжуд, фақат улар бошқа ном билан аталган, холос. Бу эса ўзбек ҳалқининг мард, саховатпеша ва қўли очик ҳалқ эканлигининг бир исботидир.

**Нуруллаева Шоира Кўшназаровна УрДУ Тарих кафедраси доценти**